1-2 697




# ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1997 ЙИЛ

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

2 май, № 18 (3403)


**Энди эскича ишлашга интилиш, эски қолипларни асраш, кечаги кун билан яшаш умидларидан воз кечайлик, эскилик сарқитларидан соқит бўлайлик. Янгиликка, янгича тафаккурга йўл очиб берайлик. Одамларни ҳам шунга даъват этайлик.**

**Ислом КАРИМОВ.**

**Андижон вилоят кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқидан**

## ЙЎЛЛАР БУГУН... ТОШКЕНТГА ЭЛТАДИ

Шу кунларда Тошкентда ўтадиган XII Халқаро кинофестивалга тайёргарлик ишлари қизгин паллага кирди. Кинофестивалнинг ташкилий қўмитаси ҳамда Матбуот маркази ушбу тадбирда қатнашиш истагини билдирган мамлакатлар ва ташкилотларни рўйхатга олиш, фестивал қатнашчилари ва меҳмонларини кутиб олиш ва жойлаштириш билан боғлиқ ташкилий ишлар ҳамда ўтказилажак маданий тадбирларни режалаштириш ишлари билан бандлар. Шу кунгача 38та мамлакат киночилари Тошкент анжуманига қатнашиш истагини билдирдилар. Шунингдек, кино ихлосмандлари фестивалда қатнашадиган машҳур кино юлдузлардан баъзиларининг номларини ҳам билишлари мумкин. Улар орасида италиялик Арнелло Мутти, ҳиндистонлик Каришма Капур, Шохруххон Митхун Чакроборти, россиялик Евгений Матвеев, Сергей Соловьев, покистонлик Нодим, бангладешлик Бабита, Бирлашган Араб Амирликларидан Айхон Шаҳин ва бошқалар бор.

Машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов бошчилигидаги ҳайъат аъзолари ҳам аниқланди. Минеко Акамота (Япония), Пьер Анри Сальфати (Франция), Се Фей (Хитой), Меҳмед Тенгрисевар (Туркия), Владимир Меншов (Россия) ва Гулчеҳра Жамилова (Ўзбекистон) фестивал филмларини баҳолайдилар.

Фестивалнинг очилишига бағишланган концерт дастури Юсуф Розиқов ҳамда Абдурашид Раҳимов раҳбарлигида саҳналаштирилмоқда. Тадбирга ҳомийлик қилувчилар орасида жаҳонга машҳур «Кока-кола», «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўздунробита», «Совпластитал» каби фирма ва компаниялар бор.

Қатнашчиларни рағбатлантириш мақсадида турли ташкилотлар ўз совға ва совринларини тавсия қилмоқдалар. Айниқса, фестивал совриндорларини катта мукофотлар кутиб турибди. Биринчи мукофотга сазовор бўлган филм 10 минг доллар, энг яхши эркак ва аёл ижрочилари учун 5 минг доллар, миллий мавзуни ўзига хос акс эттирганлиги учун 3 минг доллар билан тақдирланади.

Кинофестивалга тақдим этилган филмлар пойтахтимиздаги «Киночилар уйи»да, Алишер Навоий номидаги санъат саройида, «Ватан», «Дўстлик», «Нукус», «Қозоғистон», «Гагарин» кинотеатрларида намойиш этилади. Шунингдек, фестивал кунлари кино бозори ҳам қизғин бўлиши кутилмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси ҳақида 30 апрел куни «Киночилар уйи»да бўлиб ўтган Тошкент кинофестивалига бағишланган Матбуот конференциясида батафсил ахборот берилди. Конференцияни Матбуот маркази раҳбари А. Усмонов олиб борди. Унда фестивал бош дирекцияси раҳбари Темурмалик Юнусов ҳамда ташкилий қўмита аъзолари қатнашиб, мухбирларнинг саволларига батафсил жавоб қайтардилар.

Афсус, Ҳидоятхон ярим йўлда қолиб кетди

5-бет



## ҚОНУНЛАР КУЧГА КИРДИ

### энди улардан қандай фойдалана билиш ўзимизга боғлиқ

***Яқинда бўлиб ўтган Биринчи чақириқ Ўзбекистон олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи яна бир қатор қонунлар қабул қилинди. Ана шу муҳим ҳужжатлардан иккитаси — журналистлик фаолиятига боғлиқ қонунлар хусусида фикр-мулоҳазаларини сўраб бир гуруҳ касбдошларимизга мурожаат қилдик. Мана, уларнинг илк таассуротлари:***

**Эркин ЭСИРГАДИЕВ, «Ўзбекистон овози» газетаси мухбири:**

Энди журналистлар қўлида «Ахборот олиш кафолотлари ва эркинлиги тўғрисида» ҳамда «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар бор. Бу имкониятлар биздан катта масъулиятни ҳам талаб этади.

Менимча, энди қалам аҳли эркин ижод қилиш билан бирга кўпроқ омма орасида бўлиши, ҳар бир чиқиши орқали муаммоларни очиб ташлаши билан бирга унинг ечимини топишдаги таклифларини ҳам билдириши зарур. Негаки, биз қонун ҳимоясида кўпроқ жамият учун, халқимиз учун тараққиёт йўлларини топишда изланиш ҳамда имкониятлар қидириш йўлидан бормоғимиз даркор.

**Ҳамро ҚАРШИЕВ, «Ҳуррият» газетаси мухбири:**

Журналист шу пайтгача фуқаро сифатида давлат қонунлари ҳимоясида эди. Аммо бу янги қонунлар бевосита уларнинг ҳаёт мазмунига айланган ахборот олиш, тарқатишни кафолатлагани, эркинлик яратиб бергани, кенг ижодий фаолиятини ўз ҳимоясига олганлиги учун ҳам қимматлидир. Ҳақли равишда айтиш мумкинки, журналист—халқнинг тили. Дардини, қувончини, камчилигу ютуғини баралла айтадиган бурро тили. Шу пайтгача бу касб эгаларининг имкониятлари бироз чеклангандек эди. Бу қонунлар барча жойда журналист учун катта имконият ва кучли ҳимоя бўлишига шубҳа йўқ.

**Норбек ТОШНИЁЗ, «Ватан» газетасининг масъул котиби:**

Умид учқунлари бутун чарчоқларимни ёзиб юборди. Чарчоқларки, битта маълумот олиш учун «раҳбар»лар олдида етти марта сарғайганимда, таҳририятга келган шикоят хатини кўтарганча калаванинг учини тополмай бошим қотганида, танқидий мақолани ёзаётиб эртага бошимга нима кунлар тушаркин, дея қаламимни тишлаб қолганимда...

Ҳа, айни ўша онларда елкамга миниб олган чарчоқлардан бугун қутулгандай бўлдим. Агар бизни суюнтирган ҳар иккала қонун қоғозда қолиб кетмайдиган бўлса, бу каби юклардан бутун журналистика халос бўлади.

Бугун буюк келажак қуриш йўлидаги ислоҳотларни пайсалга солаётганлар, ўтирган курсисида илдиз отиб кетганлар, келажакка эмас, оёғининг остига зўрға қараётганлар топилади. Буни халқ билиб, кўриб турибди. Энди ўзининг ҳуқуқ ҳимоясида эканига ишонган журналист ҳеч қаерда бошини эгмайди, ичимиздаги қуртларга қарши курашга дадил отланади.

**Алижон ЭШБОЙ, Миллий матбуот маркази референти:**

*Жаҳон эркин матбуот куни арафасида* мамлакатимиз парламенти оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган қалам аҳли учун дастуриламал бўлган икки қонунни қабул қилди. Зеро, бу икки қонун айни пайтда қабул қилиниши даврнинг кечиктириб бўлмас талаби эди.

Сессияда юртбошимиз матбуотнинг том маънодаги тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарилиши борасида нималарга кўпроқ эътибор беришимиз мумкинлигини ва ҳақиқий демократик давлат тамойилларининг асл моҳиятини айни матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали халққа етказиш лозимлигини қайта-қайта таъкидлаганлари бежиз эмас. Президентимиз матбуотнинг кучи орқали ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш йўлига тўсиқ бўлаётган, тўрачилик, боқимандалик ва сансоларлик иллатларига зарба бериш пайти келганлигини яна бир бор қайд этиб, бажарилиши лозим ишларнинг нақадар долзарблигини эслатиб ўтди.

Бизнингча, барча қалам аҳли ва журналистлар учун бу икки қонун ҳақиқий дастуриламал, ҳар биримизнинг доимий ҳамроҳимиз бўлиб қолажак.

ПИКАССО

4-бет

6-бет

ДАМ ОЛИШ

## ЛОК ВИРСА — ХАЛҚ МЕРОСИ ДЕГАНИ

***Бугун мамлакатимизда халқ ҳунармандчилигини янада ривожлантириш,унутилаётганларини тиклаш, усталарга етарли шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиш борасида катта ишлар қилинмоқда. Нафсиламрини айтганда, халқ усталари, аждодларимизнинг нафис санъатини давом эттираётганлари бундай эътиборга лойиқдирлар. Яқинда Покистонда Ўзбекистон галереясини ташкил этиш ишлари ниҳоясига етказилгани ҳам фикримизнинг далилидир. Ушбу галереяни ташкил этиш бошланганида таржимон сифатида иштирок этган Йигитали УСМОНОВ қуйидагиларни сўзлаб берди:***

*Покистонда ўзбек галереяси*

— Лок Вирса халқ мероси маъносини англатади. 1974 йили Покистон маданият вазирлиги қошида, халқ оғзаки ижодини ўрганиш мақсадида очилган, уч-тўрт олимдангина иборат бўлган бу ташкилот, бугунги кунда халқнинг маданий меросини келажак авлодларга асраб-авайлаб етказувчи чин маънодаги маданият марказига айланган. Лок Вирсада халқ маданий меросини ўрганувчи бир неча заллардан иборат музей, минглаб халқ меросига оид китоблар тўпланган кутубхона, ўқув зали ва керакли манбалардан нусха кўчириб олиш имкониятига эга лаборатория, халқ меросига оид китобларни чоп этувчи нашриёт мавжуд...

Лок Вирсанинг бош директори Укси Муфти жанобларининг ишбилармонлик қобилиятини таърифлашга сўз ожиз. Ёрқин бир мисол. Покистонда Муфти жанобларининг ташаббуси ва раҳбарлиги остида йилига икки марта халқ сайили — фестивал ўтказиларкан. Баҳорги фестивал апрел ойида Исломободда, кўзда Лахор шаҳрида.

Бутун дунёдан, кўпроқ Осиё ва Африка мамлакатларидан санъаткорлар, ҳунармандлар, халқ усталари таклиф этилиб, амалий санъат-кўргазмалари, турли томошалар, концертлар ташкил қилинади. Ана шундай фестивалда 1994 йили Ўзбекистон делегацияси ҳам қатнашган эди. Халқ сайили тақрибан 50 минг кишилик стадион ва унинг атрофида ташкил этилади. Стадион атрофи савдо дўконлари ва ошпазларга ижарага берилади. Ўн кун давомида кечаю кундуз тинимсиз ўйин-кулги, рақсу ҳангома тинмайди.

Муфти жаноблари бир марта Ўзбекистонга сафар қилиб, ўзбек санъатига тан бериб, бундай санъат намунасини Покистонда ҳам яратиш фикри туғилган. Бу ниятни амалга ошириш учун барча тадбирларни ишга солди.

Наққошларимиз Лок Вирса музейининг Ўзбекистон галереясида иш бошлагандан сўнг ўн кун ўтар-ўтмас Покистоннинг турли вилоятларидан ўзбек наққошларидан иш ўрганиш учун наққошлар, санъат билим юртларининг талабалари кела бошладилар. Музейга кириш билети 10 рупиядан. Ўзбекистон галереяси ҳали битмай туриб Лок Вирсага даромад келтира бошлади. Муфти жанобларининг нияти эса бундан кейин Покистонга ташриф буюрадиган барча давлат арбобларининг Лок Вирса музейи ва Ўзбекистон галереясини бир томоша қилиб кетишларига эришиш.

Музейда Ўзбекистон галереяси учун катта зал ажратилган. Наққошларимиз мураббийлари Уста Маҳмуд Тўраев, Музаффар Болтабоев, Неъматилло Азизов ва Авазбек Поччаев Ғуломжон Йўлдошев раҳбарлигида 50 кун давомида фидойилик билан меҳнат қилиб, Покистонда ўзбек наққошлик санъатининг гултожини яратдилар. Таржимонликдан бўшаган пайтларимда камина ҳам наққошларга баҳоли қудрат ёрдам бериб, баҳонаи сабаб бу ҳунардан бироз хабардор бўлдим.

Ниҳоят, 50 кунлик тинимсиз меҳнатдан сўнг галереядаги нақшинкорлик ишлари тугади. Уни қабул қилиш маросимида сўзга чиққан Муфти жанобларининг қуйидаги сўзлари ўзбек халқига, наққошларимиз меҳнатига берилган холисона баҳо бўлди:

**Давоми бешинчи бетда**

## «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ЧОРЛАЙДИ

***Бу йил катта тадбирлар, фестиваллар, учрашувларга бой бўлиши шубҳасиз. Ана шундай улуғ анжуманлардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали. Ҳозир республикамиз мусиқа аҳли ана шу тадбирга жиддий ҳозирлик кўрмоқдалар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг бадиий раҳбари Исроилжон Ваҳобов билан суҳбатимиз ана шу хусусида бўлди:***

— «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали шу йил 25 августдан 2 сентябрга қадар Самарқанд шаҳрида ўтказилади. Шуниси муҳимки, ушбу тадбир республикамиз мустақиллиги байрамига уланиб, санъат ва мусиқанинг чинакам байрамига айланиб кетади. Фестивалга элликка яқин Шарқ мамлакатларидан мусиқачилар ташриф буюриши кутилмоқда. Шунингдек, кўплаб Ғарб мамлакатларидан ҳам меҳмонлар таклиф этилган.

Фестивалда ижро этиш учун ҳар бир мамлакатдан учтадан мусиқий асар танлаб олинади. Албатта, танлаб олиш учун нуфузли ҳакамлар ҳайъати фаолият кўрсатади. Ҳозир ҳайъат таркибида ўзбек мумтоз мусиқаси билимдонлари Фаттоҳхон Мамадалиев, Турғун Алиматов, Улмас Саиджонов, Муножот Йўлчиева, шунингдек, Шарқ давлатларидан ташриф буюрувчи санъаткорлар бўлиши кўзда тутилмоқда.

Тақдим этилган асарлар учта йўналиш бўйича саралаб олинади: халқ мусиқа ижодиёти намуналари, мумтоз миллий мусиқий асарлар ҳамда замонавий миллий асарлар. Уларни ижро этиш 15 дақиқадан ошмаслиги, ҳамда мазмуни фестивал шиорига мос келувчи дўстлик, умуминсоний қадриятлар, тинчлик руҳида бўлиши лозим.

Фестивалда мумтоз миллий мусиқа асарлари билан бирга катта ашула каби қадимий қўшиқларимизни ҳам ижро этиш кўзда тутилмоқда.

Шуниси муҳимки, тадбир доирасида Шарқ халқлари маънавий мероси, мусиқа санъатига бағишланган бир қатор илмий-амалий конференциялар ўтказилади. Турли мамлакатлардан келган санъаткорлар ўзаро учрашиб, фикр алмашадилар.

Ҳозирги кунда бизнинг мақомчилар ансамблимиз ҳам ушбу фестивалда қатнашиш учун жиддий тайёргарлик ишларини олиб бормоқда.

**Ҳ. ҚОДИРОВ**

**ёзиб олди**

*Янги кўргазма*

## АНЪАНАЛАР — МУСАВВИРЛАР НИГОҲИДА

Франция Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасида очилган кўргазмага «Анъаналар» деб ном берилган. Бу ерда мамлакатимизнинг таниқли икки рассоми — Александр Волков ва Дамир Рўзибоевнинг шахсий коллекцияларида сақланаётган асарлари намойиш этилмоқда.

Рус рассоми А. Волков асарлари ҳаёт қувончларини ҳис этиш билан йўғрилган бўлиб, ҳаётнинг абадийлигига ишончни мустаҳкамлайди. Кўргазмага қўйилган «Манзара», «Болалар» ва бошқа бир қанча асарлари бунга мисол бўла олади.

Ҳаётга ташналик Д. Рўзибоев ижодига хос хусусиятдир. У санъатда ўзини Волковнинг издоши деб билади. Кўргазмага, асосан, унинг ҳайкалтарошлик асарлари қўйилган бўлса ҳам, иккала санъаткорга хос бўлган белгилар яққол кўзга ташланади. Келажакка ишонч, дунёнинг ва табиат билан уйғунликда яшовчи инсоннинг гўзаллигини, кундалик турмуш доирасидан чиқиб кетадиган инсон руҳиятининг софлигини акс эттиришга интилиш иккала рассом учун муштарак фазилатдир. Рассом илҳом билан яратган «Муза», «Икки фаришта» асарлари қўшиқ каби янграйди.

Иккала рассомнинг ишлари республикамиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳур. Уларнинг асарлари кўп мамлакатлардаги музейларга қўйилган, музей фондларида, нуфузли бадиий галереяларда сақланади.

— Санъат — Шарқ ва Ғарб маданиятлари ўртасидаги бир-бирини тўлдирадиган ва бойитадиган мустаҳкам кўприкдир, — деди кўргазмани очиш чоғида Франция Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Жан Клод Ришар. — Ижодиётда анъаналарнинг ривожланишини, ўтмишнинг ҳозирги давр билан узвий боғлиқлигини яққол намойиш этаётган ҳозирги экспозиция бу фикрни тасдиқлайди. Бундай кўргазмаларни ўтказиш анъанага айланади ва мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни кенгайтиришга ёрдам беради, деб умид қиламан.

Кўргазмани очиш маросимида БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик, бир қанча хорижий давлатларнинг республикамиздаги элчихона ва ваколатхоналарининг бошлиқлари иштирок этди.

**Анна ИВАНОВА,**

**Светлана ТЕН,**

**ЎзА мухбирлари**

**Уста Мулла Қирғиз ким бўлган?**

2-бет

*ТВ*

## САМИМИЙЛИККА НИМА ЕТСИН

Телевидениемизда шоир Усмон Азимовнинг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев билан суҳбатини кўриб хурсанд бўлдим.

Менга ёққан жойи шундаки, адабиётимиз, маънавиятимиз муаммолари тўғрисида бўлган бу мулоқот жуда самимий, ўта ҳаётий кечди. Менга худди шундай туюлди — Усмон Азим Дўрмондаги ҳануз битмаган дала ҳовлисидан бир хабар олгани борган, айланиб юриб, Шукур аканинг хонасига тасодифан кириб қолган. Шукур ака «Э, Усмонбой, бир айланиб кепсиз-да» деб хурсанд бўлиб кетган ва... ўз-ўзидан суҳбат бошланган. Шу пайт десангиз, бунақа имкониятларни қидириб юрган телевидение ходимлари «Қани, таваккал, тасвирга тушираверайлик-чи, нима бўларкин» дейишган-да, аппаратларни ишга солворишган.

Бизга мана шундай самимий, ҳаётий, бўрттирилмаган, бўяб-чирмалмаган суҳбатлар керак. Ҳар ким ўз фикри, нуқтаи-назарини шундай эркин, ўзига хослик билан баён қилсин.

Шундай гўзал суҳбатдан кейин Морена Кларанинг яна йиғи-сиғиси бошланганини ҳисобламаса, хўб иш бўлди-да.

**М. ОҒАЛИЕВ**

*Нақд гап*

## ТАДБИРЛАРГА ЙЎЛЛАНМА ДАСТУРЛАР ЗАРУР

«Маънавиятсиз — келажак йўқ!» Президентимиз қатор нутқларида таъкидлаган бу ҳақиқат айниқса сўнгги ойлар ичида шиорга айланиб кетди. Республикамиздаги ҳар бир ташкилот ва муассасада ташкил этилган Маънавият ва маърифат гуруҳлари эса халқимиз истиқболи чиндан-да ёрқин бўлишини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшиш ниятида мунтазам равишда жойларда маънавият кечалари ва тадбирларини ўтказмоқда.

Фидойилар саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилаётган бундай тадбирлар, табиийки, маънавий меросимиз ва қадриятларимизга катта эътибор, меҳр ва билимдонлик чашмаларидан сизиб чиқмоқда. Ундан баҳраманд ёки хабардор бўлганки фуқароларимиз қалбида фахр, ғурур хислари жўш уриши, шубҳасиз.

Ўтган шу йилнинг ўзида республикамиз мактабларида «Ўзбекистон — камолот йўлида», «Маънавият — авлодлар мулки», «Амир Темур — буюк давлат арбоби», «Улуғбек хазинаси», «Чўлпон — ёруғ юлдузимиз», «Мунаввар қори ва Беҳбудий — миллатимиз фахри» каби ўнлаб мавзуларда адабий кечалар ўтказилди. Уларнинг аксарияти ташкилий жиҳатдан ҳам, бадиий жиҳатдан ҳам ҳавас қилса арзигулик даражада ўтаётир, десак хато бўлмас. Бундай тадбирларнинг ҳар бирида бир неча юзлаб ўқувчи ва муаллимлар иштирок этишмоқда. Бир мавзуда ўтказилган суҳбат ва кечаларда иштирок этган ўқувчилар умумий сонининг ўзи ҳам бир неча ўн мингни ташкил этади. Бу жуда кенг кўлам! Ўтказилаётган тадбирларнинг аҳолига таъсири — жуда салмоқли!

Айнан шу муносабат билан камина бундай маънавият ва маърифат кечаларининг дастур йўналиши ҳақида ўз мулоҳазамни билдирмоқчи эдим. Мен аввало ўзим раҳбарлик қилаётган синф ўқувчилари иштирокидаги, сўнг мактабимиз доирасидаги, Наврўз байрами кунларида туманимиз миқёсидаги ва вилоятимиз марказида Соҳибқирон Амир Темурга бағишланган кечаларда қатнашдим. «Туркистон» саройида ўтказилган улкан тантанани республика телевидениеси орқали томоша қилдим.

Пойтахтдан олисдаги шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва мактабларда ўтказилаётган маънавият ва маърифатга бағишланган тадбирларда ўзимиздан юқори ташкилотлар ўтказаётган анжуманлардан андоза олишга ҳаракат қилаяпмиз. Бироқ... нусха олиш — барибир, тадбирларимизнинг руҳини, таъсир қанотини кучсизлантириб қўяётганга ўхшайди.

Таклифим — маънавий-маърифий тадбирлар дастурларини шакллантиришда республикамиз фуқароларининг бугунги маънавий эҳтиёжидан келиб чиқилса! Масалан, Алишер Навоийга бағишланган тадбирда улуғ бобомизнинг юқори мартаба, маълум мулк эгаси бўла туриб, оддий фуқаролардек камтарона ҳаёт кечирганлигига, бу муҳтарам инсоннинг илму маърифатни ривожлантиришга, мамлакатда ободончилик ишларига улкан раҳнамолик фаолиятига кўпроқ урғу бериш жоиздир. Ёки шу кунларда таваллудининг юз йиллиги нишонланаётган адиб Чўлпоннинг миллатни уйғотиш, маърифатпарварлик ва тараққийпарварлик фаолиятини теранроқ очиб бериш шу кунги тадбирларимизнинг бош йўналиши бўлмоғи керак, деб ҳисоблайман.

Ҳа, қуйи бўғинларда фаолият кўрсатаётган биз, жамоатчи маърифатпарварлар ўз мутасаддиларимиздан ана шундай услубий дастурлар кутаяпмиз!

**Маърифат ЖАҲОНГИРОВА,**

**Марҳамат туманидаги 27-мактаб ўқитувчиси**

**Йўлдош СУЛАЙМОН**

# СЕНИ ЖОНДАН ОРТИҚ СУЙГАН БОЛАНГМАН, ФАРҒОНА



*ОЛОЙ ХАЁЛИ*

Йўлни Олой томон бурган чоғимда,
Тоғдан ҳайратланиб турган чоғимда,
Отларнинг кишнаши эшитилгандай,
Ўйимдан ўтганни худди билгандай,
Қурбонжон Додхонинг янграр овози,
Уни шарафлайди ифтихор рози!
Қуйилиб келяпти бир шеър гуприб,
Аммо момом минган отнинг дупури —
Хаёлни босганда — ўрнимдан туриб,
Кўнгилни бўшатдим роса ҳайқириб:
— Кўпдан кутганимиз ўша вақт келди,
Орзу қилганимиз бугун нақд келди.
Қаёққа кетяпсиз, қайтинг, эй, момо,
Гапларингиз бўлса, айтинг, эй, момо!

*БЕИХТИЁР*

Бир кўриб маҳлиё бўлдиму қолдим,
Нигоҳинг суратин дилимга олдим.
Сўзга ҳеч йўқ эдим сўзлаб юбордим,
Беихтиёр ёниб, бўзлаб юбордим.
Гапиролмас ахир фақат капалак,
Хаёлни бутунлай олган, эй, малак,
Кўзингни тингладим, не учун жимсан,
Тилда ҳам сўзлагин, қани эй, кимсан?

*ИШҚ*

Меҳру муҳаббатнинг аслини истаб,
Гўзал одамларнинг васлини истаб,
Бугун ҳам кўчадан ўтиб кўчага,
Йўлининг устида доим учраган —
Кишилар меҳридан юраги тўлиб,
Ўтган ҳаётидан бахтиёр бўлиб —
Бағрингни кезишга чоғланган ўғлинг
Сенга дил-дилидан боғланган ўғлинг —
Ҳозир, Фарғонажон, олисда яшар,
Ҳамон ўша ўтли бир ҳисда яшар!

Ишқингда ловуллаб куйган болангни,
Сени жондан ортиқ суйган болангни —
Эслайсанми — йўқми, билмайман, аммо
Унутсанг, бағримни тилмайман, аммо,
Йўлдошнинг хаёли бир ўй билан банд:
Бўлолдимми сенга муносиб фарзанд?!

*«МУҲАББАТ ФАСЛИ»НИ ЎҚИБ...*

Юрагингга сиғинардинг, юрагингга
ҳамиша,
Айлансин у энди суянч тиргагингга
ҳамиша,
Ўзларидан ўзгаларни билмаслар орасида,
Ўзимизни қачонгача тутамиз норасида!
Ўшаларни тинглаб-тинглаб ёрилиб кетай
дедик,
Оёқлар остида ерга қорилиб кетай дедик.
Биласан-ку ҳеч нимани ҳеч кимга бермас
боғлаб,
Ахир умр деганлари кетган кўпларни
доғлаб!
Мақтанчоқлар мақтанишда давом этсин,
майлига,
Шошилишса шошилишар ўша шуҳрат
сайлига!
Бизга шуҳрат керак эмас, туролмасмиз
аммо жим,
Кўкка боқмай юлдузларни санаб турган
мунажжим:
Сизлар тузган маржонларнинг эски ипин
узармиз,
Ҳали ўша кўҳна рўйхат тартибини бузармиз!

*ҚЎШДИ*

Кун бўйи яна сим қоқишингни кутдим,
Хаёллар бағрида оқишингни кутдим.
Сўз билан дилга ўт ёқишингни кутдим,
Фарғонадан менга боқишингни кутдим.
Телефон жиринглар худди куйга ўхшаб,
Сенинг ҳақингдаги ширин ўйга ўхшаб,
Ҳали овозингни эшитмасдан туриб,
Атрофим чарақлар катта тўйга ўхшаб!
Сўзинг томиримга жўш урган қон қўшди,
Сен билан бахтиёр онимга он қўшди.
Ҳайратдаман, яна каромат кўрсатиб,
Бўшашган Йўлдошнинг жонига жон қўшди.

*ҲАЁТНИНГ РАҲНАМОСИ*

Яхшилар ичида учратдим сени,
Қани айт, ҳаётнинг раҳнамоси не?
Нима билан ёруғ инсоннинг юзи?
Ундан ҳам улуғроқ сўз борми ўзи?
Омонат йўллардан қайириб турар,
Ким яхши — ким ёмон айириб турар.

Лек унга макондир на Осмон, на Ер,
Ўша эзгуликнинг манзили қаер?
У баланд, эй Йўлдош, баланддир биздан,
Унинг қутлуғ номи Виждондир, Виждон!

*ЯРАТДИ*

Муҳаббатим кўзимни яратди,
Дилда ёнган сўзимни яратди.
Жасоратим қўлимни яратди,
Орзуларим йўлимни яратди.
Курашларим онгимни яратди,
Тундай меҳнат тонгимни яратди.
Бир-биридан ажратиш хатодир,
Эҳтиёжим барига отадир!

*РОҲАТИМ*

Ҳамиша йўлингга кўзим интизор,
Умидим милтиллаб, ўзим интизор,
Сенга бағишланган сўзим интизор.
Интизорлик олди дилим мадорин,
Кўрмоқчи бўлдингми бардошим борин?!

Кунлар ўта бериб кутишдан тўйдим,
Ширин ўйларимни йўқотиб қўйдим.
Нимани қоралаб, нимани суйдим —
Ўйламай десам ҳам ўтингда куйдим,
Умрим эканингни қайтадан туйдим.

Аразлаб юришга эпим йўқ экан,
Вужудим ишқингда ёнган чўғ экан.
Қалови нигоҳинг отган ўқ экан —
Яна ўз ҳолимга қайтишим керак,
Муҳаббат изҳорин айтишим керак!

Ўзингга талпиниб, қайтадан ёндим,
Роҳатим бошланди ана шу ондан.
Дилбари париру эй, ёри хандон,
Йўлдош куйиш учун келган дунёга,
Висолингни ортиқ кўраман жондан!

*УСТОЗ*

Пичоғу қайчимиз қайтадан янги,
Болта ҳам, теша ҳам бўляпти кескир.
Учқунланиб учар темирнинг занги,
Ярақлаб кетади ҳар қандай эски,
Ўзгани ўткирлаб, чархлаган сари
Эт ташлаб — эт ташлаб кичраяр ўзи!
Бу ўша чарх эмас, Носир Фозилдир,
Дилимдаги нурлар сўзларин изи!

*ДОҒДАМАН*

Тушумда ловуллаб, лабин буриб турар,
Кўнгилга не тушса, уни суриб турар.
Ўй-ўйлаб ўзимга ҳеч келолмасман,
Шунча боғ-гулзор аро елолмасман.
Хаёлга у келар уйқудан кўз очсам,
Ундан ўзга сўзим йўқдир ё сўз очсам.
Лаби ғунчасими кўзимни куйдирди,
Ташна этиб, айтар сўзимни куйдирди.
Ул қадди камоли ўзимни куйдирди,
Нигоҳида не бор, тўзимни куйдирди.
Бир кўрдиму энди тополмай доғдаман,
Ўзин пинҳон тутса, не қилай ул чоғда мен?
Шердай наъра тортдим, «оҳ-оҳ» деб
бўзладим,
Гоҳ бутунлай ёниб, гоҳ эса музладим.
Хаёлимга сиғмас, ҳеч ўзга гул, аммо,
Хоримасман куйлаб, дилим булбул, аммо —
Қанча умрим ўтди, Йўлдош, гиз-гизладим,
Не қилай Мискиндай анқони изладим!

**К. Г. ЮНГ**

# ПИКАССО

## Эссе

***Ўзбекистонимизда Бадиий академия фаолият кўрсата бошлагани, Рассомчилик институти ташкил этилгани, «Жаҳон адабиёти» журналига асос солингани республикамиз ижодкор зиёлилари олдига бир қанча муҳим вазифаларни аниқ қилиб қўйди. Шундай вазифалардан бири XX аср санъатидаги йирик кашфиётларни ижодий ўрганиш билан боғлиқдир. Бадиий кашфиётлар орасида эса буюк мусаввир Пабло Пикассонинг (1881-1973) рассомчилик мактаби алоҳида мавқега эга. Санъат билан ғайрисанъат чегарасида туриб ижод қилган бу мусаввир ўзигача бўлган рассомчиликка оид тўсиқларни, бадиий тафаккурни муайян қолипга солган қоидаларни бартараф этди. У яратган мураккаб суратларни тушунишга уринишимизда бизга мусаввир замондошларнинг илмий-таҳлилий мақолалари ёрдам беради. Шу маънода биз машҳур руҳшунос олим Карл Густав Юнгнинг (1875-1961) «Пикассо» эссесини жузъий қисқаришлар билан эътиборингизга ҳавола этаяпмиз. К. Г. Юнг Пикассо ижодий фаолиятининг дастлабки даври ҳақида фикр юритади. Илмий ёки санъатшуноснинг танқидий мақоласидан фарқ қиладиган бу эсседа муаллиф ижодкорнинг руҳий оламига доир — ижод психологияси билан боғлиқ кузатишларни баён этади.***

Узим психиатр бўла туриб, Пикассо ҳақидаги мунозарага аралашаётганим учун ўқувчилардан узр сўрайман. Қўлимга қалам олишга таниқли кишиларнинг даъвати сабаб бўлди. Мен улкан санъат соҳиби бўлган бу мусаввирнинг ижоди жиддий фикр юритишга арзимайди, деган фикрдан йироқман, қолаверса, унинг адабиётдаги ҳамкасби Жойс ижодига ҳурмат ва эътибор билан мурожаат қилган жойим бор (К. Г. Юнг ўзининг «Улисс» номли эссесини назарда тутган — А. О.). Мени чинакамига қизиқтирган ушбу муаммо жуда кенг, ўта жиддий ва ниҳоятда мураккабки, уни бир газета мақоласи доирасида, гарчи умумий тарзда бўлса-да, қамраб олиш мушкул. Шу боис Пикассога муносабат билдиришга киришишдан бурун олдимга масалани шундай қўйдим: мен мусаввирнинг санъати ҳақида эмас, балки фақат унинг санъати психологияси тўғрисида фикр юритаман. Эстетик проблемалар билан шуғулланишни санъатшуносларга қолдириб, мен Пикассо бадиий ижодининг асосида ётган психологияни кузатиш билангина чекланаман.

Қарийб йигирма йилдан бери мен инсон руҳий жараёнларининг хилма-хил тарзда ифодаланиши билан боғлиқ психологияни ўрганиб келаман, шу сабабдан Пикассо суратларига ўз касбини пухта эгаллаган мутахассис сифатида қарай оламан. Орттирган тажрибаларимдан келиб чиқиб, ўқувчиларни ишонтириб айта оламанки, Пикассонинг суратларида акс этган психологик муаммолар мажмуи беморларимда мен учратган муаммоларга айнан ўхшаш. Афсуски, буни ҳозир сўз билан исботлашнинг имкони йўқ, чунки қиёсланадиган манбалар фақат мутахассисларга маълум. Шу сабабдан ҳам қуйидаги мулоҳазаларим далиллардан холи, муаллақ бўлиб туюлиши мумкин ва бу масалада мен ўқувчиларимга уларнинг самимий, хайрихоҳ фантазиялари кўмак беради, деб умид қиламан.

Предметсиз (нарса, ҳодиса, мавзу билан боғланмаган) санъат ўзининг мазмунини асосан «ички теранлик»дан олади. Бу «ички» мазмун онгга мувофиқ келмайди, чунки онг одатда зарурат туфайли намоён бўладиган ҳамма нарсанинг маълум жиҳатлари аксини, инъикосини ўзида сақлайди. Бироқ Пикассо санъатининг нарса, ҳодиса ва мавзулар билан боғланганлиги бу борада расм бўлиб қолган тасаввурлардан кескин фарқ қилади, бу фарқ мусаввир санъатининг кундалик, оддий тажрибаларга боғланмаслигига ҳеч қандай эътироз қолдирмайди. Бунинг устига, вақт ўтиши билан Пикассо ижодида эмпирикликдан (тажрибалар, сезги аъзолари орқали олинган таассуротлар ва табиий шароитдаги қўзғалишлар — А. О.) тобора узоқлашиш, ташқи тажрибаларга мос келмайдиган, бироқ онг доирасидан ташқаридаги ўша «ички теранлик»дан келиб чиқаётган унсурларнинг (элементларнинг) кўпайиши юз бераётир. Ҳарқалай, бу ҳодиса беш сезги аъзосини ўзида жамлаб, ташқи оламга йўналтирилган онг доирасидан ташқарида. Онгдан ташқарида мутлақо Ҳеч Нима эмас, балки онгсиз руҳият бор, онг уни ортда ва ичкаридаги бир нима тарзида ҳис этади. Суратларнинг ташқи оламга мувофиқ келмайдиган унсурлари «ички теранлик»дан туғилиши тайин.

Гарчи бу «ички теранлик»ни кўриб, тасаввур қилиб бўлмаса-да, барибир у онгга мунтазам таъсир кўрсатишга қодирки, мен бу омилларнинг таъсиридан азоб чекадиган руҳий беморларимни буни иложи борича аниқ-равшан қилиб (суратларда) ифодалашга ундайман. «Ифодалаш усули»нинг мақсади онгсиз структураларни (тузилмаларни) ўқиш-идроклашга имкон туғдириш ва уларни тушунишга уринишдир. Ушбу тадбирнинг ёрдамида терапевтик натижага эришилади: онгсизлик жараёнлари билан онг орасидаги хавфли узилиш бартараф этилади. Бундай суратларда акс этган барча руҳий жараёнлар ва онг тубидаги пинҳона манзара-кўринишлар акси предметли ёки «англанган» тасаввурларнинг тескариси — рамзий; бундан чиқадики, улар, жуда бўлмаганда, олдин маълум бўлган маъно-мазмунга ишора қилади. Шунинг учун алоҳида бир хусусий ҳолат ифодасини кузатиб, муайян аниқликка эришиб бўлмайди. Фақат ноаниқлик ва чалкашлик, маънисиз хилма-хилликни ҳис этиш мумкин, холос. Суратда нима тасвирланганини ва муаллиф нима ҳақда ўйлагани тушунарсиз. Фақат бундай суратларнинг кўплаб туркумини қиёслаш орқалигина ниманидир фаҳмлаш имконияти туғилади. Беморлар чизган суратлар, уларда бадиий фантазиянинг етишмаслиги сабабли, замонавий мусаввирларнинг суратларига қараганда нисбатан аниқроқ ва шу боисдан ҳам тушунарлироқ.



*П. ПИКАССО. Эль Греко автопортрети. 1950*



*Х. ГИНОВАРТ. Пикассо шарафига. 1967*

Икки гуруҳ беморларни бир-биридан фарқлаш керак: булар невротиклар ва шизофрениклар (руҳий хасталик турлари — А. О.). Биринчи гуруҳга мансублар синтетик характердаги (нарсаларни, ҳодисаларни бутун ҳолда олиб ва уларнинг таркибий қисмларини боғлаб) кучли ва яхлит туйғуга йўғрилган суратлар чизишади. Гарчи бу суратлар мутлақо мавҳум бўлиб, шу сабабдан муаллифнинг сезги-кечинмаларини акс эттирмаса-да, ҳар ҳолда бир-бирига ниҳоятда мутаносиб ёки уларга аниқ мазмун юкланган бўлади. Иккинчи гуруҳ, аксинча, шундай суратлар чизадики, бу суратлар уларнинг муаллифларига ҳиссиёт бегона эканини кўрсатиб туради. Улар ҳар қандай ҳолларда яхлит уйғун туйғуни эмас, балки, аксинча, қарама-қарши кечинмаларни ёки уларнинг умуман йўқлигини ифодалайди. Бу суратларнинг бадиий шаклида эса синиқ чизиқларда акс этган таназзул, инқироз кайфияти устиворлик қилади ва бу ўз навбатида ижодкорнинг руҳан бўлинганини, яъни ўзини бошқа одам деб фаҳмлашини билдиради. Суратлар томошабинга ёқмайди ёки ақлга тўғри келмайдиган, тажаввузкор руҳдалиги ва беўхшов носамимийлиги билан унда қўрқинчли таассурот қолдиради. Пикассо ана шу руҳий (психологик) типга мансуб*.

Бундай фарққа қарамай, ҳар иккала гуруҳнинг чизган суратларида бир умумий жиҳати бор, бу — рамзий мазмундир. Ҳар иккала гуруҳ ҳам маънони ишоралар орқали истифода этади, бироқ невротик тип бу маънони қидиради ва ўзининг сезги-кечинмаларини томошабинга етказишга уринади. Шизофреникда бундай ҳаракат сезилмайди ва аксарият ҳолларда у ўз туйғуларининг қурбони бўлади. Бу ҳол суратларда шундай акс этади: гўё уни туйғулари маҳв этган ва эзиб ташлаган, у, невротик жуда бўлмаганда бир нима чиқаришга уринган элементларга, қоришиб кетган. Шизофреникка хос ижод ҳақида айтиш лозим бўлган фикрларни мен Жойсга доир мулоҳазаларимда гапириб ўтганман: бундай ижодда томошабин учун қизиқарли ҳеч нарса йўқ, бор нарсаларнинг ҳаммаси уни қочиради, бездиради, кутилмаган ҳар қандай детал ён бериш, чекиниш сифатида қабул қилинади. Хуниклик, касаллик, ваҳима, мавҳумлик ниманидир ифодалаш учун эмас, балки, аксинча, ҳамма нарсани яшириш, бекитиш учун пайдо бўлади ва бу парда ахтарувчи, изловчини ўзига жалб этади; бу парда — мисоли кимсасиз ботқоқни қоплаган совуқ туман; мазмундан маҳрум бу парда томошабинга муҳтожлик сезмайдиган томошага, манзарага ўхшайди.

Бир ижодкордан, у нимани ифодаламоқчи бўлганини сўраш керак, бошқасидан — у нимани ифодаламоқчи бўлмаганини. Ва уларнинг ҳар иккаласида ҳам пинҳона мазмун бор. Бундайин образлар туркуми (чизилган суратлар ёки ёзилган сўзлар) одатда Некюйя символидан, жаҳаннам қаърига тушиш, онгсизликка чекиниш, тириклик дунёсидан четлашишдан бошланади. Шундан кейин юз берадиган ҳодисалар кундалик, оддий шакл ва қиёфаларда ифодаланади, бироқ бу ифодалар яширин маъно ва характерга йўғрилган бўлади. Пикассо зангори тусдаги предметли суратлардан бошлайди: оқшомнинг нофармонлиги, ой ёғдуси ва сув, миср ғорининг кўкимтир ранги шундан далолат беради. Мана, у қазо қилаётир ва унинг руҳи отда охиратга равона бўлаётир. Кундалик, оддий ҳаёт ортидан илашади ва болаларини етаклаган аёл унга ақл ўргатиб мурожаат қилади. Унинг учун кундуз ҳам, кеча ҳам — аёл, бу психологик нуқтаи назардан ёруғ ва қоронғу кўнгилни (anima) англатади. Қоронғулик бекиниб олган ва нофармон шом қучоғида, потологик майл-иштиёқларни қўзғаб, уни пойлаётир. Буёқлар уйғунлигининг ўзгариши бизни жаҳаннамга дохил этади. Предметлилик ажал тасвири орқали ёритилган, ажал маҳорат билан чизилган сил ва зотилжам фоҳиша ўсмир қиёфасида акс этган. Фоҳиша мотиви охиратда ижодкор марҳумнинг руҳи сифатида, бир қанча ўзига ўхшаганлар билан учрашадиган, жаҳаннам остонасида пайдо бўлади. «Ижодкор» деганда мен Пикассонинг бошқа, кўргуликка учраган шахсини — жаҳаннамда бўлишга маҳкум, тақдир ҳукми билан оддий ёруғ кунда эмас, зулматда макон топган, ҳаммага маъқул гўзаллик ва идеалларни эмас, балки ёвузлик ва ёмонликка тортувчи иблисона кучга эргашиб, ҳозирги замон кишисини Антихрист ва Люцифер тарафига оғдирадиган ҳамда умумжаҳон инқирози таассуротини пайдо қиладиган одамни назарда тутаман. Ва шунинг учун унинг асарларида кундалик ҳаётнинг равшан дунёси жаҳаннам булутлари билан қопланади, таназзулга юз тутади ва охир-оқибат, зилзила чоғида ёрилиб кетган ер сатҳидай, бўлакларга, қисмларга, синиқ чизиқларга, фрагментларга, ахлат, майда-чуйда ва ўлик унсурларга бўлиниб тушади. Пикассо ва Пикассо асарлари кўргазмаси — бу вақт ҳодисаси, бу — суратларни томоша қилган йигирма саккиз минг одам каби замон воқелиги...

---

***Ушбу фикр ана шу гуруҳга мансуб деб ҳисоблаш мумкин бўлган ҳар қандай одам шизофреник ёки невротик деган маънони билдирмайди. Бу тарзда фарқлаш, гуруҳга ажратиш: биринчи ҳолатда руҳий оғишлар невротик аломатлар, иккинчи ҳолатда эса шизофреник аломатлар пайдо бўлишига олиб келишини англатиши мумкин, холос. «Шизофреник» ибораси бу ўринда айнан руҳий — шизофрения касаллигини англатмайди, балки шу касалликка кишида майл борлигидан дарак беради, ёки хабитусни (ташқи кўриниш; ранг-рўй; умумий қиёфани) билдирадики, шулар замиридаги оғир руҳий изтироблар шизофренияни туғдириши мумкин. Мен Пикассони, Жойс қаторида, кўплаб одамлар мансуб бўлган психотикларнинг шундай гуруҳига мансуб деб қарайманки, бу гуруҳга кирувчилар хабитуси (ташқи қиёфалари) руҳий неврозлан эмас, балки шизофреник аломатлар таъсиридан оғир руҳий изтиробларга тушганлари боис беихтиёр киши эътиборини тортади.**

А. ОТАБОЙ таржимаси

